2006 ЙИЛ, 30 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 19 (10.576)

Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида оммавий ахборот воситалари соҳасига доир қонун лойиҳалари юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, тегишли олий ўқув юртлари профессорлари ва талабалар иштирок этишди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва Тошкент Давлат юридик институти ўзаро ҳамкорлигида ташкил этилган семинар-тренинг «Халқаро нормаларнинг миллий қонун ҳужжатларига сингдирилишини таъминлаш» мавзуига бағишланди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва прокуратура органларининг фуқаролар сайлов ҳуқуқларини таъминлаш борасида тутган ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда комиссия аъзолари орттирган иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролар сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ҳақида фикр юритилди.

● «Маънавият ва маърифат» маркази Жиззах вилояти бўлимида Ўзбекистон «Фидокорлар» МДП вилоят Кенгаши томонидан Республика Президенти Ислом Каримовнинг Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият» мавзусидаги маърузаси юзасидан партия аъзолари олдида турган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Қибрай тумани ҳокимлигида Республика Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг жойлардаги ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

● «Экосан» халқаро ташкилоти «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» марказида «Қадимги Қарши тарихида табиат ва инсон муносабатлари» мавзуида учрашув ўтказди. Юқоридаги мавзу бўйича энг яхши илмий-тадқиқот иши учун кўрик-танловнинг тақдимоти ҳам ушбу анжуман кун тартибидан жой олди.

● «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз пойтахти билан Фарғона водийси ўртасида «Тошкент-Андижон-Тошкент» йўловчи поездининг қатновини мунтазам йўлга қўйди. Йўловчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган поезд бир вақтнинг ўзида 900 нафаргача йўловчига сифатли хизмат кўрсатади.

● Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги «Нафосат» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонасига янги турдаги маҳсулот — иккиламчи хом ашёдан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эндиликда маҳаллий тадбиркорлар Россия билан қўшма корхона ташкил этиш ва чиқариладиган маҳсулотнинг 30-40 фоизини хорижга экспорт қилишни режалаштиришяпти.

### ЖАҲОНДА

● Кеча Финляндияда Президент сайловларининг 2-босқичи бўлиб ўтди. Бунда икки номзоддан қайси бири оддий кўпчилик овоз тўпласа, мамлакат раҳбарлигига сайланади.

● АҚШ Президенти Жорж Буш Эроннинг ядро дастури билан боғлиқ юзага келган зиддиятдан чиқиб кетишда расмий Кремль томонидан илгари сурилган таклифни қўллаб-қувватлади. У уранни бойитиш ишлари Россия ҳудудида олиб борилиб, кейин МАГАТЭ экспертлари кузатувида Эронга келтирилиши тўғрисидаги таклифга рози эканлигини билдирди.

● Европарламентнинг вақтли комиссияси МРБ махфий қамоқхоналари борасидаги муаммоларни атрофлича кўриб чиқмоқчи. АҚШ етакчи маъмурлари томонидан ҳамон тўла тан олинмаётган Польша ва Руминиядаги махсус қамоқхоналар ва тайёрлов масканлари юзасидан олиб борилган қарийб уч ойлик узлуксиз текширувлардан сўнг бу борада анчагина далилларга эга бўлинган.

● Жанубий Корея ҳарбий ҳаво кучларига тегишли Ф-16С қирувчи самолёти мамлакат марказида жойлашган Чхонжу шаҳрига қулаб тушди. Бироқ учувчи соғ-саломат қолди. Ҳалокат сабаблари аниқлангунга қадар мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги Ф-16 самолётларининг парвозини тақиқлаб қўйди.

● Владивостокда шаҳар маъмурияти атрофида катта митинг бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари 16 январда юз бериб, 9 кишининг ҳаётига зомин бўлган ёнғин сабабчиларини аниқлаш ва уларнинг жазога тортилишини талаб қилдилар.

● Италияда ҳам қаттиқ қиш ўз ҳукмини ўтказмоқда. Жумладан, мамлакатнинг кўпгина аэропортлари ёпилган. Кучли қор ёғиши туфайли ҳатто Олимпия машъаласини етказиш ишлари ҳам бир кун орқага сурилди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **"КАМОЛОТ"** ЁИҲ Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорликларида ёшларнинг иқтидорини синаш мақсадида LG гранти лойиҳаси доирасида ташкил этилган кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** ҳарбий лицейида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси томонидан ёшлар ўртасида эълон қилинган "Сенинг тенгдошинг" лойиҳаси доирасидаги кўрик-танлов ғолиблари тақдирланди.

● **УЧТЕПА** туманидаги Абулла Қодирий маҳалласида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати "Огоҳлик — давр талаби" деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 312-мактабда уюштирилган "Ўз уйингни ўзинг асра" мавзуидаги давра суҳбатида ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида таниқли бастакор Анор Назаровнинг ижодий фаолиятига бағишланган кеча ҳамда бастакор асарлари асосида тайёрланган концерт дастури мухлислар эътиборига ҳавола этилди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги 324-мактабда 1-синф ўқувчилари ҳамда ўқитувчилар иштирокида "Алифбе" байрами ўтказилди.

● **БУГУН** "Ниҳол" спорт мажмуасида Бектемир туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Адолат" социал-демократик партиясининг Бектемир туман бўлимлари, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида маҳаллаларда ташкил этилган оилавий спорт жамоалари ўртасида уюштирилган мусобақалар "Отам, онам ва мен" деб номланди.

● **БУГУН** "Ўзкимёполимерсавдо" масъулияти чекланган жамиятида "Маънавият ва маърифат" марказининг Сергели туман бўлими томонидан уюштирилган давра суҳбати "Тил маданияти ва маънавияти" деб номланди.

● **ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежида "Камолот" ЁИҲ Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган "Билимдонлар беллашуви" кўрик-танловида ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари етакчилари беллашди.

● **БУГУН** Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги академик лицейда "Камолот" ЁИҲ Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган "Амир Темур ворислари" мавзуидаги беллашувда йигитлар ўзаро беллашдилар.

● «**ВЕСТЕРН** ЮНИОН» компанияси мижозларга халқаро миқёсда сифатли хизмат кўрсатаётган 500 та банкнинг рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатдан «Капитал» банкнинг Юнусобод туман бўлими ҳам ўрин олган.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги «Зангиота» маҳалласида касаначиликни ривожлантириш мақсадида тикувчилик цехи ташкил этилди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан халқ таълимини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига бағишлаб ўтказилган тадбирда туман мактаблари, боғча-мактаб мажмуалари ўқитувчилари, тарбиячилари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**МАЪЛУМКИ, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**








*Танловлар*

## ИЛҒОРЛАРНИНГ САРАСИ АНИҚЛАНДИ

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари моҳиятида жиноятчиликка қарши курашишдан кўра унинг олдини олишнинг афзаллиги акс этган бўлиб, профилактика инспекторларининг халққа янада яқинлашиши, унинг дарду ташвишидан доимо огоҳ бўлиб, зарур вақтда тегишли ёрдам бера олиши, барча муаммоларни маҳалланинг ўзида ҳал этиш каби мақсадлар кўзланган эди.

Ана шу йўлда бугун республикамизда 3530 та милиция таянч пункти фаолият юритмоқда. Уларнинг 2139 таси атрофида турли тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари, 2793 таси атрофида эса вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдонлари барпо этилган.

Яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, профилактика инспекторлари томонидан маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ўтказилиб келинаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар бу йўлда муҳим омил бўлмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йили 2143 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Куни кеча муҳташам "Туркистон" саройида бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида ўтказилиб келинаётган "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларида ғолиб деб топилган 14 та милиция таянч пункти иштирок этди.

— Бу кунларга етказганига шукр, — деди ушбу тадбирда иштирок этаётган истеъфодаги генерал-майор Ғофуржон Раҳимов. — Мустақилликдан аввал ички ишлар ходимини чақириб қолишса юрак ховучлаб қоларди, ё ишдан кетарди ёки туҳмат балосига учрарди. Қаранг, шундай замон ҳам келибди, ички ишлар ходимларини карнай-сурнайлар билан кутиб олишмоқда. Заҳматли меҳнатлари қадрланиб, уларга иззат-икром кўрсатилмоқда. Бу кунларнинг қадрига етиш керак, кўз қорачиғидек асраш керак.

Айтиб ўтиш жоизки, 4 та ҳудудга бўлиниб ўтказилган ушбу танлов бўйича ишчи гуруҳи томонидан милиция таянч пунктлари фаолияти таҳлил қилиниб маданий-маърифий кўргазманинг ташвиқот лавҳалари билан жиҳозланганлиги, фуқароларга яратилган шарт-шароитлар, атрофидаги спорт майдончалари ва кичик бизнес тармоқларининг мавжудлигига асосий эътибор қаратилиб, холисона баҳо берилди.

Биринчи ҳудуд — Тошкент шаҳри, пойтахт ва Сирдарё вилоятлари бўйича биринчи ўрин Тошкент вилояти Зангиота тумани, "Янги ҳаёт" маҳалласидаги 133-милиция таянч пунктига, 2-ўрин Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров маҳалласидаги 247-милиция таянч пунктига, 3-ўрин Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳар, "Бинокор" маҳалласидаги 26-милиция таянч пунктига насиб этди. Биринчи ўрин соҳиби "Дамас" автомашинаси, I даражали диплом, иккинчи ўрин эгаси компьютер тўплами, II даражали диплом, учинчи ўрин — рангли телевизор ва учинчи даражали диплом билан тақдирланди.

Булардан ташқари «Жасорат кўрсатган профилактика инспектори», «Аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозонган энг фаол профилактика инспектори», «Энг фаол маҳалла посбони» каби қатор номинациялар бўйича ҳам танлов ғолиблари аниқланди. "Жиноятчиликка қарши курашишда энг фаол маҳалла оқсоқоли" номинацияси бўйича ғолибликка эса Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Собир Комилов сазовор бўлди.

Барча номинациялар ғолиб ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди. Тадбир давомида Собиржон Мўминов, Дилноза Исмияминова, Ойпопук Эшонхонова, Валижон Шамшиев каби эл севган санъаткорларнинг чиқишлари, дилрабо куй ва мумтоз қўшиқлар барчага хуш кайфият улашди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосарлари С.Иномова ва Р.Қосимов иштирок этди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг республика босқичидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## ҚОНУН ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛСИН

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ИЛК ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ВА БОШҚАРУВИ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ МАМЛАКАТИМИЗ ПАРЛАМЕНТИНИНГ РОЛИ ВА ТАЪСИРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ, ҲОКИМИЯТНИНГ ҚОНУНЧИЛИК, ИЖРО ВА СУД ТАРМОҚЛАРИ ЎРТАСИДА МУТАНОСИБ ВА БАРҚАРОР МУВОЗАНАТГА ЭРИШИШ ЛОЗИМЛИГИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНГАН ЭДИ.**

Бунда ҳокимият ваколатларининг муайян қисмини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва янгиларини ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 10 мартда қабул қилинган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисидаги қарори айни вазифаларнинг бажарилишида муҳим дастуриламал бўлмоқди. Мазкур ҳужжат асосида тасдиқланган махсус концепция асосида тегишли идоралар томонидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Мавжуд қонунлар юзасидан жамоатчилик фикри ўрганилиб, улар шу асосда такомиллаштирилаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни юзасидан ўтказилган мониторинг шулардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида мазкур мониторинг натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мазкур институт директори Ф.Отахонов, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Р.Убайдуллаева ва бошқалар қонун ҳаёт билан ҳамнафас бўлиши, муҳими, унда фуқаролар манфаати акс этиши лозимлигини таъкидладилар.

Ўтказилган мониторингда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилган. Беш соҳа - халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари, ҳокимликлар ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлар ҳамда фуқаролар ўртасида ўтказилган сўровда қатнашганларнинг ўртача 75 фоизи «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунни такомиллаштириш лозимлигини қайд этган. Қонунда уларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳududдаги корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатлари механизми етарли даражада акс этмаганлиги, унда белгиланган айрим меъёрлар бугунги кун талабига жавоб бермаётганлиги айтилган.

Тадбир иштирокчилари баъзи ваколатларни марказдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига босқичма-босқич ўтказиш, жойларда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, ҳокимият вакиллик органлари, ҳокимлар ваколатларини кенгайтириш ва аниқлаштириш, уларнинг зиммаларига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун масъулиятини янада ошириш бўйича ўз фикр- мулоҳазаларини билдирдилар.

Давра суҳбатида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

№ 19 (30.01.2006)



*Агарки ҳар қайси инсон, бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса — бу менинг бахтим ва бойлигим, деган фикр билан яшаса, биз ўз мақсад-муддаоларимизга шунчалик тезроқ етамиз.*

**Ислом КАРИМОВ**

TOSHKENT SHAHAR UJMSH UYUSHMASI
АССОЦИАЦИЯ ТСЖ г.ТАШКЕНТА
UJMSHU

# УЖМШ: МЕНИНГ УЙИМ — МЕНИНГ МУЛКИМ









## Бизнинг маълумот:

***• Пойтахтимизда 9161 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда улар 856 та уй-жой мулкдорлари ширкатларига бирлашган.***

***• Мавжуд кўп қаватли уйларда 423778 та хонадон аҳли истиқомат қилади.***

***• Кўп қаватли уйларда 35783 та кириш йўлаклари бўлиб, айни пайтда йўлакбошилар ҳам сайланган.***

***• 4647 та лифт юқори қаватларда истиқомат қилувчи хонадон аъзоларининг оғирини енгил қилмоқда.***

## САМАРАСИДАН УМИДВОРМИЗ

**ТОШКЕНТ ШАҲАР УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ УЮШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САҲИФАМИЗНИ УЖМШ (УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ): «МЕНИНГ УЙИМ — МЕНИНГ МУЛКИМ» ДЕЯ НОМЛАШИМИЗ БЕЖИЗ ЭМАС.**

Эндиликда ҳар ойда мунтазам чоп этиладиган ушбу саҳифамизда Президентимизнинг 2005 йил 10 февралдаги "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятларини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш учун пойтахтимиз ва унинг туманларида ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаларининг фаолиятлари, уларнинг ширкатлар фаолиятини такомиллаштириш, жойларда ширкатларнинг маҳаллий ҳокимият идоралари, фойдаланиш ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашдек вазифаларни амалга оширишдаги саъй-ҳаракатлари, ширкатлардаги бугунги аҳвол, янгиланиш ва муаммолар, кўп қаватли уйларда хонадон мулкдорларининг онгидаги ўзгаришлар, уларни қизиқтираётган соҳага оид долзарб масалалар ҳақида фикр юритишга жазм этдик, меъёрий ҳужжатлар билан таништиришни лозим топдик.

«Уюшмаларда», «Ширкат — ибрат», «Ўз уйим — ўлан тўшагим», «Кўп қаватли уйларда», «Сўранг, жавоб берамиз», «Айтсам тилим...», «Дилдаги гаплар», «Ободлик кўнгилдан бошланади» ва бошқа рукнлар остида ёритиладиган ҳар бир мақоладан кўзланган асосий мақсад пойтахтимиздаги барча кўп қаватли уйларни обод этиш, бу ишда яшовчиларнинг фаоллигини янада ошириш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, коммунал хизмат даражасини оширишга, аҳолининг оғирини енгил қилишга ҳисса қўшишдир. Бу борада биз албатта, сиз азиз муштарийларнинг беминнат кўмагингиздан умидвормиз.

Ўз уйингиз, ширкатингиз, у ерда амалга оширилаётган ишлар ва албатта бу борада мулкдорларнинг ҳиссаси, янгилик ва ечимини кутаётган муаммолар, уларни биргаликда бартараф этиш йўллари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни мактуб ва қўнғироқлар орқали йўллашингиз мумкин. Телефон рақамларимиз: 133-45-84, 133-26-07. Ишончимиз комилки, биргаликдаги саъй-ҳаракат, шубҳасиз ўз самарасини беради.

## УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ УЮШМАСИ ҲАҚИДА

**УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ УЮШМАСИ — НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТДИР.**

У ўзини ўзи бошқарувчи ташкилот бўлиб, уй-жой мулкдорлари ширкатларини, коммунал хизматларини, таъмирлаш-тиклаш, авария хизматини ҳамда кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш, таъмирлаш фаолияти билан шуғулланувчи пудратчи ташкилотларини эркин аъзолик шартида бирлаштиради.

Уюшма Ўзбекистон Республикасининг "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги ва "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунлар ва қонунчилик ҳужжаталарига мувофиқ таъсисчиларнинг қарорига кўра ташкил этилади.

Уюшма ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулки билан жавобгардир.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз аъзолари ва уй-жой мулкдорларига умумий мулкни самарали бошқариш ҳамда фойдаланишда кўмаклашиш, уй-жой соҳасида хусусий мулкчилик институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш уюшманинг асосий мақсадлари сирасига киради.

Шунингдек, уюшма ўзининг асосий вазифаларига эга бўлиб, уй-жойлар ва атроф ҳудудларини тегишли техникавий ва санитария ҳолатда сақлаш, уй-жой фондини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ва зарур ҳолда сақлаш масалаларида ширкатларнинг жойлардаги маҳаллий ҳокимият идоралари билан ўзаро муносабатларини таъминлаш, уй-жой фондини техникавий соз, уй-жойни мукаммал ва жорий таъмирлаш, авария-тиклаш ишларини амалга ошириш масалаларида ширкатларнинг фойдаланиш, авария-тиклаш ва сервис корхоналари билан муносабатларини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техникавий ресурсларга ва сифатли уй-жой-коммунал хизматларга эҳтиёжини таъминловчи тўлақонли бозор инфратузилмасини ташкил этишда кўмак бериш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясида ёрдам бериш, ширкатлар учун ходим ва раҳбарларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, уй-жой фондидан фойдаланиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича фаолият натижаларини мунтазам таҳлил этиш, ширкатларга кўп хонадонли уйларни профессионал даражада бошқариш ҳамда демократик ўзини ўзи бошқаруви ва бошқарув маҳорати даражасини оширишда уй-жой мулкдорлари ва ширкатларга ахборот ва услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда бошқалар шулар жумласидандир.

Тошкент шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ҳам 2005 йил март ойида ўз фаолиятини ана шундай мақсад ва вазифаларни кўзда тутган ҳолда бошлаган. Пойтахтимизнинг 11 та туманида уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари фаолият юритмоқда.

**ЯНГИ ЙИЛ КИРИБ КЕЛИШИ БИЛАН ОДАТДА БАРЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНИБ, НАВБАТДАГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНАДИ. ҲОЗИРДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИДА ҲАМ УМУМИЙ МАЖЛИСЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА. ҚУЙИДА УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИНИНГ ИЛТИМОСЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛИБ ШИРКАТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ҲАМДА ШИРКАТ МУЛКДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖЛИСИ ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1999 ЙИЛ 15 АПРЕЛДАГИ «УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИНИНГ ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНДА КЎРСАТИЛГАН МОДДАЛАРНИ ҚЎЛЛАНМА СИФАТИДА ҲАВОЛА ЭТИШНИ АЙНИ МУДДАО ДЕБ БИЛАМИЗ.**

## ҚЎЛЛАНМА СИФАТИДА

### 15-МОДДА. ШИРКАТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

Ширкат аъзоларининг умумий мажлиси, ширкат бошқаруви ва тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ширкатнинг бошқарув органларидир.

### 16-Модда. ШИРКАТ АЪЗОЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖЛИСИ

Ширкат аъзоларининг умумий мажлиси ширкатнинг юқори бошқарув органи бўлиб, ширкат уставида белгиланган тартибда йилига камида бир марта чақирилади.

Ширкатнинг умумий мажлисида ширкат аъзоларининг ярмидан кўпи ҳозир бўлган бўлса, у ваколатли ҳисобланади.

Ширкат аъзоларининг йиллик умумий мажлиси молия йили тугаганидан сўнг, олтмиш кундан кечиктирмай чақирилади. Ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси бошқарувнинг, ширкатда ўн фоиздан ортиқ овозга эга бўлган ширкат аъзоларининг ташаббуси билан, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг талабига биноан чақирилиши мумкин.

Ширкат умумий мажлисининг ваколатларига қуйидагилар киради:

ширкат уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки ширкат уставини янги таҳрирда тасдиқлаш;

бошқарув ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш;

ширкатнинг махсус жамғармаларини тузиш;

ширкат аъзоларининг ширкат раиси, бошқаруви ва тафтиш комиссияси (тафтишчиси) фаолиятига тааллуқли ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш;

ширкат штатидаги ходимларнинг ички меҳнат тартиби қоидаларини, улар меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тўғрисидаги низомни қабул қилиш ва ўзгартириш;

асбоб-ускуналар, анжомлар ва бошқа моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиш, сотиш, топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, шунингдек, уларни балансдан чегириб ташлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун хўжалик бинолари ва бошқа иморатларни қуриш, кўчмас мулк олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

қарзга маблағ олиш, шу жумладан банк кредитларини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ширкатнинг хўжалик фаолиятидан олинган даромаддан фойдаланиш йўналишларини белгилаш;

ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш;

қонун ҳужжатларида ва ширкат уставида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

### 17-Модда. ШИРКАТ АЪЗОЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖЛИСИНИ ОЛИБ БОРИШ ВА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ширкат аъзоларининг умумий мажлисини ширкат аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланадиган мажлис раиси олиб боради.

Ширкат аъзолари умумий мажлисининг қарори, агар мажлисда ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади ҳамда ширкатнинг барча аъзолари учун мажбурий бўлади.

Ширкат уставида турар жой мулкдорларига тегишли бўлган турар-жойларга ҳамда ҳал этилаётган масалаларга қараб бундай мулкдорларнинг гуруҳлари бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериш назарда тутилиши мумкин.

### 18-Модда. ШИРКАТ БОШҚАРУВИ

Ширкатнинг жорий фаолиятига раҳбарликни унинг бошқаруви амалга оширади.

Ширкат бошқаруви ширкат аъзолари орасидан ширкат уставида белгиланган муддатга умумий мажлис томонидан сайланади.

Бошқарув ўз таркибидан раисни ва унинг ўринбосарини сайлайди.

Бошқарув мажлиси раис томонидан ойига камида бир марта чақирилади.

Бошқарув мажлиси унда бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли деб топилади.

### 19-Модда. ШИРКАТ БОШҚАРУВИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Ширкат бошқарувининг ваколатларига қуйидагилар киради:

умумий мажлисни чақириш ва унинг ўтказилишини ташкил этиш;

йиллик даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузиш;

уйга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш, шунингдек, умумий фойдаланишдаги бошқа объектларни сақлаш бўйича шартномалар тузиш;

уйни асраш, сақлаш, таъмирлаш устидан ҳамда унга хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан назорат қилиш;

ширкат маблағларини умумий мажлис тасдиқлаган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ тасарруф этиш;

ширкат аъзоларининг белгиланган мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлашлари устидан назорат қилиш;

иш юритиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Ширкат бошқаруви хўжалик фаолиятини юритиш учун ижрочи директорни ишга ёллаш ҳуқуқига эга, ижрочи директорликка номзод умумий мажлис томонидан тасдиқланади.

### 20- Модда. ШИРКАТ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ

Ширкат бошқарувининг раиси ширкат уставида белгиланган муддатга сайланади.

Ширкат бошқарувининг раиси ширкат манфаатларини ифодалайди, бошқарув қарорларининг бажарилишини таъминлайди, ўз ваколатлари доирасида кўрсатмалар ва фармойишлар бериш ҳуқуқига эга.

Ширкат бошқарувининг раиси тўлов ҳужжатларини имзолайди, шунингдек, умумий мажлис ёки бошқарув ваколатига кирмайдиган битимларни амалга оширади.

Ширкат бошқарувининг раиси ижрочи директорликка номзодни, ширкат штатидаги ходимларнинг ички меҳнат тартиби қоидаларини, улар меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тўғрисидаги низомни умумий мажлис тасдиғига киритади.

### 21-Модда. ШИРКАТ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ (ТАФТИШЧИСИ)

Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ширкатнинг, бошқарувнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва у умумий мажлисга ҳисобдордир. Тафтишчи ёхуд таркиби камида уч кишидан иборат бўлган тафтиш комиссияси кўпи билан икки йил муддатга сайланади.

Ширкат ва бошқарувнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун умумий мажлис белгиланган тартибда аудитор ёки аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли.

## Сўранг, жавоб берамиз

### УМУМИЙ МУЛК

***Кўп қаватли турар жой биноларида уйнинг умумий мулкига нималар киради ва у қандай сақланади?***

**Ойдин ҚОСИМОВА.**

— Сиз ширкатга аъзо бўлиб, хонадон мулкдорига айланганингиздан сўнг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ўзингиз яшаётган уйнинг умумий мулкига шерикдош бўласиз. Шу боис ҳам ана шу умумий мулкка нималар киришини билиб қўйсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

Уйнинг умумий мулкига турар-жойингизнинг умумий хоналари, зинапоя майдончалари, зиналар, лифтлар, лифт шахтаси ва бошқа шахталар, йўлаклар, техник қаватлар, асосий тўсиқ ва конструкциялар, бир хонадондан кўпига хизмат қиладиган хонадондан ташқаридаги ва ичида жойлашган механик, электрик, санитария-техник ва бошқа жиҳозлар, болалар ва спорт майдончалари киради.

Шуни ҳамиша эсда тутиш лозимки, умумий мулк бинодаги барча хонадон эгаларига тегишлидир. Шу боис уйнинг барча мулкдорлари уни биргаликда сақлашлари шарт.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

***ЖАҲОН ВА МАҲАЛЛИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИДАН***

• Германиянинг Федерал канцлери Ангела Меркель аҳоли ўртасида машҳурлиги жиҳатидан ўзидан олдинги канцлерлар Герхард Шрёдер ва Гельмут Колни ортда қолдирди. Гап шундаки, TNC Infratest социологик хизмат томонидан ўтказилган сўровлар натижасига кўра Германия аҳолисининг 85 фоизи А. Меркель бундан кейин ҳам муҳим сиёсий фаолиятини давом эттиришини қўллаб-қувватлашларини билдирди.

• АҚШ Президенти Жорж Буш америкаликларни террорчи Усама бин Лодиннинг таҳдидларига жиддий қарашга чақирди. Зеро, бундан бирмунча аввал «Ал-Қоида» бошлиғи ўзининг соғлом эканлиги ҳамда АҚШда қўпорувчилик уюштиришни режалаштираётганини айтган эди.

• Польшанинг Катовице шаҳрида почта кабутарларининг кўргазмаси бўлиб ўтаётган халқаро кўргазмалар павильонининг томи қулаб тушиши натижасида камида 60 киши ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб кишилар турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Бундан олти йил олдин қурилган бинонинг томи катта микдордаги қорни кўтара олмасдан қуладими ёхуд унга меъморларнинг ҳисоб-китоблари нотўғри бўлгани сабабчими, ҳозирча фалокат сабаблари аниқ эмас.

• Моздок-Тбилиси газ қувуридаги таъмирлаш ишлари ниҳоясига етиб, Кавказорти мамлакатларининг газ таъминоти тикланди.

• Австриянинг Зальцбург шаҳрида буюк мумтоз композитор Вольфганг Амадей Моцарт таваллудининг 250 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

• Дунёнинг энг катта автомобиль компанияларидан бири Ford маъмурияти Шимолий Америка қитъасида 14 та заводини ёпишни ва 25 мингдан 30 минг нафаргача ишчиларни бўшатишни режалаштираяпти. Компания шу йўл билан инқироздан ўзини сақлаб қолмоқчи.

• McDonalds озиқ-овқат компаниясининг даромади ўтган йили 20 миллиард долларга етди. Маъмурият вакилининг таъкидлашича, компаниянинг АҚШ, Европа ва Россиядаги шохобчалари даромади йилдан йилга ўсиб боряпти.

• Россиянинг ЮКОС компаниясининг жазони ўтаётган собиқ раҳбари Ходорковский 5 кунга жарима изоляторига жойлаштирилди. Гап шундаки, унинг ёнидан маҳкумлар ўзларида олиб юришлари тақиқланган ҳужжатлар чиққан.

• Россия гази билан мамлакатни таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи «Нафтогаз Украины» компанияси республикадаги кучли совуқ муносабати билан Россия газини режадан ташқари кўпроқ ишлатганлиги фактини тасдиқлади.

• Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг юқори мартабали вакилининг таъкидлашича, Осиё мамлакатлари парранда гриппининг янги ўчоқлари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тезкорлик билан етказмаяптилар.

• Канада миллий хоккей лигасининг «Питтсбург Пингвингз» клубининг соҳиби ва сардори, машҳур хоккей юлдузи Марио Лемьё ўзининг спортдаги фаолиятини тугатишини билдирди. Хоккейдаги кўп йиллик фаолияти давомида Лемьё икки бор Стэнли Кубогининг соҳиби ва Олимпия чемпиони бўлган.

• АҚШнинг Йель ва Колумбия университетларининг олимлари 133 та мамлакат бўйича уларнинг экологик муаммоларни ечиш ҳамда экология борасидаги қўйилган мақсадларга етишлари йўлидаги имкониятлари юзасидан рейтинг тадқиқотларини ўтказдилар. Натижада Янги Зеландиянинг бу борада жаҳоннинг бошқа мамлакатларидан устун эканлиги аниқланди.

• Парижда бўлиб ўтган 21 - халқаро автомобиль фестивали доирасидаги танлов якунлари бўйича янги Alfa Romeo Brera купеси жаҳондаги энг чиройли автомобиль деб тан олинди.

• Ўзи амалга оширмаган жиноят учун 24 йил давомида қамоқ жазосини ўтаган 45 ёшли америкалик Алан Кротзер суд залидан озодликка чиқарилди. Гап шундаки, 1981 йилда қуролли ҳужум ва зўрлаш жиноятлари учун 130 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган Кротзернинг ДНК таҳлиллари текширувидан сўнг унинг юқоридаги жиноятларни амалга оширмаганлиги маълум бўлди.

• Халқаро астрономлар гуруҳи фазода Ернинг «эгизаги»ни топишганини маълум қилишмоқда. Америкалик олим Майк Тернернинг таъкидлашича, Ердан 20 минг ёруғлик йил (бир ёруғлик йили ўн триллион километрга тенг) масофа олисда сайёрамизни эслатувчи яна бир «совуқ сайёра»нинг мавжудлиги аниқланган. Янги сайёранинг бошқалардан фарқли томони шундаки, у мўътадил совуқ иқлимга эга. Бу эса у ерда ҳаёт бўлиши мумкин, деган тахминни беради. Шу вақтга қадар аниқланган 160 та сайёра газли туркумга оидлиги боис Ерга қиёсланмаган.

• Бағдод шимолидаги саҳрода Ироқ маъмурлари полиция сафларига кирмоқчи бўлган 23 нафар кўнгиллининг жасадларини топишди. Автобусда кетаётган кўнгиллиларни тўхтатган жангарилар гуруҳи уларни ўғирлаб кетиб, ушбу қабиҳ жиноятни амалга оширганлиги аниқланди.

• Дунёнинг энг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи компанияларидан бири — General Motors 2005 йилни 4,78 миллиард зарар билан якунлади. Айни пайтда унинг акциялари 8,45 долларга арзонлашган, дея ёзади «Экономист» журнали.

• Мексика миллий олимпия қўмитаси ўз спортчиларини Италиянинг Турин шаҳрида ўтказиладиган қишки Олимпиада ўйинларига юбормаслигини эълон қилди. Бунга сабаб — Мексика шарафини ҳимоя қилувчи қишки спорт турлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг малакаси ҳали Олимпиада даражасида эмаслиги экан.

*Фармон ва ижро*

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**КЕЙИНГИ ВАҚТЛАРДА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ОИД КЎП МАЪЛУМОТЛАРДАН БОХАБАР БЎЛМОҚДАМИЗ. СОЛИҚ, БОЖХОНА, МОЛИЯ, СЕРТИФИКАЦИЯ, ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ, САНИТАРИЯ ХИЗМАТЛАРИ КАБИ ДЕЯРЛИ 40ға ЯҚИН НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ТУШУНАРЛИ, АЛБАТТА. ШУНДАЙ БЎЛСАДА, НАҲОТКИ УЛАРНИНГ ЗИММАСИГА ФАҚАТ НАЗОРАТ ИШЛАРИ ЮКЛАТИЛГАН, ДЕГАН САВОЛНИНГ ТУҒИЛИШИ ҲАМ ЎРИНЛИДИР?**

— Йўқ, албатта, — дейди кескин жавоб қайтариб Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Бобур Қурбонов. — Назорат олиб бориш — бу зиммамиздаги вазифалардан биридир. Асосий фаолиятимизга келсак, биз биринчи навбатда юридик ёки жисмоний шахслар томонидан санитария-эпидемиология меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олишга масъулмиз. Гап айни пайтда биз янада кучайтиришни мақсад қилган профилактик чора-тадбирлар ҳақида ва айниқса бу бизнес соҳасига тааллуқлидир. Яхши маълумки, кейинги пайтда иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштиришга йўналтирилган бир қатор янги қонуний-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўйлаймизки, тадбиркорлик нафақат субъектив, балки объектив муаммолар мавжуд бўлган шароитда ривожланиши осон кечмаслигини тушуниш қийин эмас. Хусусан, бу муаммолар асосан солиқ юки, доимий ҳисоботлар талаб этилиши, фаолият юритиш учун рўйхатдан ўтиш ва рухсатнома олиш, хом ашё, моддий ва кредит ресурсларини олиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон Президентининг ўнга яқин Фармон ва Қарорлари қабул қилинганидан сўнг 2005 йил 1 июлдан бошлаб ушбу муаммоларнинг аксарияти ўз ечимини топди. Мазкур эркинлаштириш жараёни назорат органларига ҳам таъсир кўрсатди, албатта. Тадбиркорлик тузилмалари манфаатини кўзлаган ҳолда текширишлар тартибга солиниб, такомиллашиб бормоқда. Уларнинг молия-хўжалик фаолиятида қоида бузилиш ҳолатлари аниқланган вазиятларда муносабатлар фақат солиқ органларининг судга даъво аризасига кўра ҳал этилади. Лекин бунда, агарда хўжалик субъекти ўз хатосини бўйнига олиб, текширувлар натижаси бўйича назорат органлари тақдимномасини бажарса, шунингдек етказилган зарарни ихтиёрий равишда белгиланган муддат ва тўлиқ ҳажмда қопласа, иш суд иштирокисиз жойида ҳам ечимини топиши мумкин. Демак, бундай вазиятларда ҳам устунлик тадбиркорларга, яъни уларнинг фаолияти нобарқарор бўлмаслиги учун берилади.

Шу ўринда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари йиғилишларида солиқ хизматига асосий ваколат берилган бўлса, бошқа назорат органлари нима билан шуғулланади, деган савол ҳам кўп маротаба кўтарилганини айтиб ўтиш жоиз.

Таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги Фармонига кўра ҳақиқатан ҳам назорат тизимида катта ўзгаришлар юзага келди. Деярли барча назорат органлари ўз фаолиятини қайта кўриб чиқди десак ҳам бўлади. Хусусан, санитария хизматлари ходимлари шаҳодатдан ўтказилиб, фақат айримлари — катта тажрибага эга, кўп масалаларда кучли билимга эга мутахассисларга назорат фаолиятини юритиш ҳуқуқи берилди. Санитария-эпидемиология назорати маркази маълумотномаси бўйича, мазкур Фармон ижросини таъминлаш борасида ўтган йилнинг тўртинчи чорагида текширувлар сони 30 фоизга камайтирилган бўлса, жорий йил учун дастлаб белгиланган режа икки мартага қисқартирилган. Айни пайтда тадбиркорлик субъектлари томонидан санитария қоидалари бузилишларининг олдини олиш мақсадида марказ мутахассислари улар билан ҳамкорликда профилактик тадбирларни ташкил этишни режалаштирмоқда.

— Бундай хулосага келишимизга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 ноябрдаги Фармони туртки бўлди, — дейди Б.Қурбонов. — Ушбу ҳужжатга биноан 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик субъектларида текширувларни ташкил этишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонга айрим қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Хусусан, эндиликда фақат Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши қарори билан биз режага мувофиқ бир йилда бир марта барча хўжалик субъектларида, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган равишда, мажмуавий текширишлар ўтказишга ҳақлимиз. Лекин ҳозирда татбиқ этилиши бошланган профилактик тадбирларимиз, шубҳасиз, тадбиркорларимизни юқорида қайд этилган ҳужжат бўйича ҳатто бир йиллик текширувлардан ҳам халос этиши мумкин.

Пойтахтимиз санитария хизматлари ушбу йўналишдаги профилактик ишларни қай йўсинда режалаштирилаётгани хусусида биз СЭНМ томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар комиссияси ва Жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган семинар давомида яқиндан танишишга муваффақ бўлдик. Бу тадбирда санитария хизматининг барча тузилма раҳбарлари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққан Савдо-саноат палатаси шаҳар бошқармаси раиси Садриддин Ҳакимов янги меъёрий ҳужжатларнинг долзарблиги хусусида тўхталиб, мамлакатимиз Президентининг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид Фармонлари эълон қилингандан сўнг қисқа вақт ичида унинг кичик бизнеснинг республика иқтисодиётига улушини кескин кўпайтиришга имкон берганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бошқарма раҳбари қуйидаги қизиқ фактларни ҳам билдирди. 2002 йилда хўжалик субъектлари, айниқса ишлаб чиқариш тузилмаларида ўтказилган кўплаб текширувлар оқибатида ялпи ички маҳсулот' ҳажми кескин камайгани, бунда тадбиркорлик субъектларининг улуши ҳам 46 фоиздан 42,3 фоизгача пасайгани кузатилган (кўрсаткичлар пойтахт бўйича келтирилмоқда). 2005 йил якунлари бўйича эса рекорд даражада ўсиш- 54,5 фоизга эришилди. 2007 йилда республикада бизнес тузилмаларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 45 фоизга етказиш кутилаётган бўлса, шаҳарда ушбу кўрсаткични 60 фоизга чиқариш кўзда тутилган.

— Бундай истиқбол кўрсаткичларига эришиш учун аниқ чора-тадбирлар кўрилиши ва бу борада тадбиркорларимизнинг айнан назорат органлари томонидан биринчи галда қўллаб-қувватланиши тақозо этилади, — таъкидлаб ўтди С.Ҳакимов. — Шу мақсадларда солиқ ва бошқа назорат органлари бизнес тузилмалари ўртасида тушунтириш ишларини талаб даражасига кўтариши, қолаверса, улар билан, агар шундай дейиш мумкин бўлса, дўстлик алоқаларини ўрнатишлари лозимдир. Нимага энди шундай бўлмаслиги керак? Ахир тадбиркор ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қанчалик яхши билса, қоида бузилишлар ҳам шунча кам бўладику. Бу оддий ҳақиқат наҳотки изоҳ талаб этса? Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, тадбиркорларнинг ҳаммаси ҳам — у жисмоний ёки юридик шахс бўладими — доимий равишда ўз ихтиёрида ҳуқуқшуносни ушлаб туролмайди. Демак, бунда ва албатта беғараз тарзда уларга ёрдамни биз — Жамоатчилик кенгаши, Савдо-саноат палатаси, санитария, солиқ, бошқа хизмат вакиллари беришимиз зарур. Профилактик ишлар бизнинг асосий функционал мажбуриятимиз ҳисобланишини ҳам ҳар доим ёдда тутишимиз лозим. Қуйидагига ҳам эътиборни қаратиб ўтмоқчиман. Янги меъёрларни тушунтириш борасида ўтказилган семинарларда иштирок этган кўпчилик тадбиркорлар ҳудудий комиссиялар раислари, яъни шаҳар ва туман ҳокимлари тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари таъминланишида кафолат бўламан дея, ўз зиммасига ўта оғир юк олганларини яхши билишади...

Маълум бўлишича, профилактик ишларда самарадорликка эришиш учун санитария-эпидемиология хизмати СЭНМни тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича манзиллар таркибига киритиш таклифини билдирмоқда. Бироқ, марказ бош врачи Б.Қурбонов таъкидлаб ўтганидек, бу «бир ойнадан» рўйхатдан ўтказиш механизмига салбий таъсир кўрсатмайди.

— Мутахассисларимиз янги тузилаётган субъект манзили бўйича бевосита чиқиб, у билан алоҳида суҳбат ўтказишга ҳам тайёрдир, — деди марказ раҳбари. — Шу ўринда яна бир бор тадбиркор билиши лозим бўлган меъёрлар бўйича суҳбат назарда тутилаётганини эслатиб ўтмоқчиман. Чунки, масалан, ишлаб чиқаришда энди фаолият бошлаётган тадбиркор бирон-бир дастгоҳ ёки асбоб-ускуна ишчи-хизматчиларнинг меҳнат хавфсизлиги инобатга олинган равишда қандай ўрнатилиши, шу жумладан санитария меъёрларига қандай риоя этилишини билмаслиги ҳам мумкин. Бундан ташқари, ҳозирда биз «эслатма» кўринишида лўнда қилиб санитария меъёрлари тушунтирилган кичик ҳажмдаги ахборотномалар тайёрламоқдамиз ва уларни барча тадбиркорларга тарқатишни режалаштирганмиз. Шу каби интерфаол услублар, шубҳасиз, тадбиркорларимизнинг санитария ва гигиена масалаларида диққат-эътиборини кучайтиришига имконият беради. Ўйлаймизки, айнан шу тарзда уларнинг кўпчилигини қамраб олишимиз мумкин. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик лозимки, бугунги кунда фақат Тошкентнинг ўзида 60 мингдан зиёд киши тадбиркорлик билан шуғулланаётир. Бу ҳазилакам рақам эмас.

Санитария-эпидемиология назорати марказининг яна бир янги лойиҳаси — бу ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса раҳбари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш. Дарвоқе, бу лойиҳа кўпчилик хўжалик субъектлари томонидан қўллаб-қувватланган. Маълум бўлишича, шу кунгача бундай ҳамкорлик фақат халқ таълими муассасалари билан ўрнатилган. Янги лойиҳанинг мазмуни шундаки, икки томон — хўжалик субъекти ва санитария хизмати ўртасидаги профилактик чора-тадбирлар ўтказиш бўйича шартнома тузилади. Чора-тадбирлар рўйхати эса аниқ бир субъект бўйича олиб борилган кузатувлардан сўнг белгиланади. Корхона ёки ташкилот раҳбари ўз эътирозини ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш билан билдириши мумкин. Шартнома икки томон келишгандан сўнг кучга киради.

Санитария-эпидемиология хизмати бугунги кунда касб касалликларини профилактика қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга оид тадбирларни ҳам кучайтиришни кўзда тутмоқда. Статистика маълумотларига қараганда, 2004 йилда касб касалликлари 32 ҳолатда, 2005 йилда эса 19 та ҳолатда аниқланган.

— Бундай касалликларга асосан фаолияти оғир меҳнат шароити билан боғлиқ корхона ишчи-хизматчилари дучор бўлади, — дейди СЭНМ бўлим мудири Лидия Коваленко. — Бемор махсус касб касалликлари шифохонасида даволаниши учун биз санитар тавсифнома беришимиз лозим. Бундай ҳужжатни эса фақат беморнинг иш жойини ўрганиб тузиш мумкин. Аммо бунинг учун эса қисқа муддатли текширувга рухсат талаб этилади. Афсуски, бугунги кунда биз барча беморларнинг ҳам талабини қаноатлантира олмаймиз, аниқроқ айтганда уларни на моддий, на маънавий ҳимоя эта олмаймиз. Бу фақат текширув олиб бориш учун ҳар доим ҳам рухсат берилмаётганига боғлиқ эмас. Гап шундаки, агарда ҳақиқатда санитария меъёрлари жиддий бузилиши касб касаллиги оқибатини келтиргани аниқланса, корхона раҳбари катта зарар кўради, яъни у ўз ишчисини катта миқдордаги нафақа билан таъминлашга мажбур бўлади...

— Нима учун биз бугунги кунда ҳамкорликда профилактик фаолиятни фаоллаштиришимиз зарурлигига янада ойдинлик киритиб олдик, — деди Бобур Қурбонов. — Ишонамизки, бу ишларда ўзаро ишонч доирасида бизларга тадбиркорларимизнинг ўзи ҳам ёрдам беради. Зеро, бизнинг мақсадимиз амалдаги меъёр ва қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш эмас, балки касалликларнинг олдини олиш, уларнинг тарқалишига йўл қўймаслик, демакки, инсонларнинг санитария фаровонлигини таъминлашдир.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**АЙТАЙЛИК, ЗУДЛИК БИЛАН ХИЗМАТ САФАРИГА ЖЎНАШИНГИЗГА ТЎҒРИ КЕЛИБ ҚОЛДИ ВА ПАЛЬТО ЁХУД ПЛАШИНГИЗНИ КИМЁВИЙ ТОЗАЛАШ НУҚТАСИДА ТЕЗКОР ОРАСТАЛАТИШИНГИЗ ЖУДА ЗАРУР. БУ БОРАДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЙЎҚ — ШАҲРИМИЗ МАИШИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИ ЯҚИНДАН БОШЛАБ ЖУДА ЗАРУР ВА ФОЙДАЛИ ИШНИ — ТЕЗКОР КИМЁВИЙ ТОЗАЛАШ ХИЗМАТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИЛАР. ЭНДИЛИКДА ЯРИМ СОАТ ИЧИДА МИЖОЗНИНГ ЁНИДА УНИНГ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИ ТОЗАЛАБ БЕРИЛАДИ.**



*Маиший хизмат*

# ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ТОЗАЛАБ БЕРИШАДИ

Бундан ташқари, кимёвий тозалаш нуқталарида костюм, пиджак, шим ёки жинсини бўяш, ҳар қандай либосни дазмоллатиш каби янги хизмат тури амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, шундай намунали пунктлардан бири — Юнусобод туманидаги «PANDA» номли кийимни итальянча усулда тозалаш салонидан чиққач, бемалол самолёт ёки поездга ўтириб хизмат сафарига жўнашингиз мумкин. Зеро, барча кийимларингиз тозаланган, дазмолланган, тугмалари қадалган ва пальто ёхуд костюмингиз илгичга илинган ҳолда қўлингизга топширилади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2003-2006 йилларда маиший хизматни ривожлантириш бўйича республика дастурига мувофиқ ташкил этилган ушбу салонда мижозларнинг кўплаб бошқа хизмат турларидан фойдаланишлари учун ҳам шарт-шароитлар яратилган. Юқорида таъкидланганидек, бу ерда Италиядан келтирилган асбоб-анжомлар ва ушбу мамлакат технологиялари бўйича юқори даражадаги сервис хизмати кўрсатилади. Мутахассислар юқори касб маҳоратига эга бўлиб, улар тозалаш учун берилган ҳар бир кийимга якка тартибда ёндошадилар. Масалан, «PANDA» салонида кийимнинг сифати қандай эканлиги ва қай усулда тозалаш мумкинлигини бирпасда белгилашади. Бунда замонавий, экологик жиҳатдан тоза кимёвий моддалар, махсус тозаловчи таркиблар ва ювувчи воситаларнинг қўлланилиши кафолатланади.

— Буюртмаларнинг бажарилиш муддатларини ҳеч қачон ортга сурмаймиз, — дейди корхона директори Муқаддам Тўраева. — Хизмат нархлари одатдаги тарифларга мувофиқ келади. Пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, болалар, доимий мижозлар учун турлича чегирмаларимиз бор.

Таъкидлаш жоизки, Европача кимёвий тозалаш хусусида сўз борганда, асосий қисми доимий ҳисобланган мижозлар тўғрисида тўхталмасдан илож йўқ. Бу ерга шаҳримизнинг барча бурчакларидан ва пойтахтимизнинг шаҳар атрофидаги туманларидан мижозлар келишади. Бу шундай замонавий кимёвий тозалаш салонларининг бугунги кунда жуда кераклигидан яққол далолатдир.

Итальянча усулдаги кимёвий тозалаш салонининг самарали иши кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш имконини яратмоқда. Корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлари йўқ. Бинобарин, энг муҳими, салон ҳисоб рақамида янада ривожланиш ва бирламчи вазифалар — тўй либосларини тозалаб беришни ўзлаштириш, қабул пункти тармоқларини очиш, қўшимча юқори даражадаги хизматлар турини ташкил этиш, уйга бориб хизмат кўрсатишни уюштириш мақсадида айланма маблағлар мавжуддир.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: «PANDA» кимёвий тозалаш салони ходими иш устида.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

*Кўргазма*

# «ЎЗБЕК ФОТОГРАФИЯ САНЪАТИ 125 ЁШДА»

**БЕЛЬГИЯНИНГ ЛЮКСЕМБУРГ ЎЛКАСИДА ЖОЙЛАШГАН АРЛОН ШАҲРИДА «ЎЗБЕК ФОТОГРАФИЯ САНЪАТИ 125 ЁШДА» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН СУРАТЛАР КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. ТАДБИР АРЛОН ШАҲРИ МАЪМУРИЯТИ, «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ФОТОГРАФИЯ УЙИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Тадбирнинг очилиш маросимида Бельгия федерал парламенти депутатлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, ишбилармонлар ва маданият арбоблари, минтақа жамоатчилиги ҳамда дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, халқимиз бой маданий мероси, буюк бобокалон алломаларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси хусусида кўргазма иштирокчиларига атрофлича маълумот берилди.

Меҳмонларга юртимиз тарихи ва мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларга бағишланган «Ўзбекистонга хуш келибсиз» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди. Сўнгра улар «Регистон» гуруҳи санъаткорларининг ўзбек миллий ашула ва рақсларидан иборат концерт дастуридан баҳраманд бўлдилар.

Кўргазмани очар экан, Люксембург ўлкаси губернатори Бернард Капрас Москва ва Пекиндан сўнг Европа Иттифоқида илк маротаба намойиш этилаётган ушбу «Ўзбек фотография санъати 125 ёшда» кўргазмасига мезбонлик қилиш мазкур минтақа аҳли учун катта шараф эканини таъкидлади. У қайд этганидек, кўргазма Люксембург ўлкаси билан Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўлида илк амалий қадам бўлиб хизмат қилади. Б.Капрас, шунингдек, Люксембург ўлкаси делегацияси мамлакатимизга ташриф буюриб, ўзбекистонлик шерик билан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликнинг йўналишларини белгилаб олиш ниятида эканини ҳам маълум қилди.

Арлон шаҳар маданият уйи президенти П.Меденжер сўзга чиқиб, ушбу кўргазма Ўзбекистон ҳукумати ўз халқининг маданий-маърифий меросини асраб-авайлашга катта эътибор қаратаётганининг амалий ифодаси эканини айтди.

Кўргазманинг очилиш маросими Бельгия минтақавий матбуотида атрофлича ёритилди, бу ҳақдаги телелавҳа Люк-

*(Давоми. Боши ўтган сонларда.)*

Шу вақтда мирзо Абдулатиф Бистом чегарасида турган эди, отасининг қайтиб кетганлигини эшитиб, у ҳам тўхтовсиз орқага қайтди. Ҳақиқатан ҳам мирзо Улуғбекнинг орқага қайтиши унинг ғолиб лашкарида заифлик ва нуқсон келтириб чиқарди ва ожизлик ҳам футур етишига сабаб бўлди. Мирзо Абул- Қосим Бобурнинг бир неча йил саодату иқбол билан Хуросон, Журжон ва бошқа вилоятларда мустақил ҳукм суриши тақдир кошонасида муқаррар ва олдиндан белгиланган бўлганлиги учун мирзо Улуғбекнинг орқага қайтиши сурати замона ойнасида аксланди. Агар шундай бўлмаганда, ишончли кишилар ҳикояларидан келтирилишича, агар мирзо Улуғбек зафар таратувчи байроқларни то Бистом майсазоригача сурганида, шуҳратли шаҳзодалар мирзо Алоуддавла ва мирзо Абул-Қосим Бобурларни бутунлай мағлубиятга учратган бўларди, улар эса мажбуран Ироқга, мирзо Султон Муҳаммаднинг байроғи соясию риояти ҳимоясига жўнаган бўлардилар ҳамда бундан кейин уларнинг қўлидан бирор иш келмаган бўларди. Аммо Оллоҳ нимани истаса, шуни қилади!

Шундай қилиб, мирзо Абдулатиф Бистом чегарасидан шунчалик суръат билан орқага қайтдики, ҳатто дўмбираю байроқларни ўша ерга ташлаб кетди. Шу аснода мирзо Абдулатифнинг дил идишию сийна кўрасида куйдирувчи иситма аланга олиб, жигарсўз ғамлару машаққатли хаёллар унга ёпишди, мизожи табиий эътидолликдан четлашди ва табиати асл йўлдан адашиб, ожизлик бошини нотавонлик ёстиғига қўйди, сиҳҳатлик безагидан ажраб қолди. Шу ҳолда у Нишопур чегарасига етиб, Бор булукига боришга майл қилди; изтироб ва беморлик кундан-кунга ошиб борди. Унинг касаллиги қанчалик оғирлиги ва табиблар диқ /сил/ касаллигига ўхшатаётганликларига қарамай, бир гуруҳ муфсидлар мирзо Улуғбек ҳузурида: "шаҳзоданинг ҳеч касали йўқ, ўзини касалликка соляпти, мустақиллик хаёли бор", деб айтдилар.

Мирзо Улуғбек Нишопур вилоятига амирларни юборди. Улар мирзо Абдулатифни тахтиравонга солиб Машҳадга, отасининг олдига олиб келдилар. Мирзо Улуғбек ўғлининг аҳволини мушоҳада қилди-да, подшоҳлик осмони ойини кичрайишга бошлаб, куйишга яқинлашганлигини кўргач, ғаразгўйлар тўғри йўлдан четлашиб, касаллик борасида арз қилганларида бемор сўзларни етказганликларини тушунди; у ёмон сўзларни эшитмаган ҳисоблаб, тўғри қалам билан сиҳҳат тадбири рақамини фикр лавҳасига чизди. Ҳозиқ табибга мувофиқ ичимликлар беришга ишорат қилди; табиб ични тозалаш ва суриш асбобларини муҳайё қилди. Шундан сўнг сиҳҳатлик тонги мурод уфқидан тулуъ қилишга бошлади, табиат қуввати ўзгариш ғуборини мизож этагидан қоқиб ташлаб, иллат зиндонидан сиҳҳатлик авжи

**Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ**

# «МАТЛАЪ-И САЪДАЙН ВА МАЖМАЪ-И БАҲРАЙН»

## АСАРДАН БОБЛАР

ва эътидол камолига етказди. Достонга пардоз берувчи сўзамол қалам ўша вақтда шаҳзоданинг тузалиши шарафига бир неча м у л а м м а байт тузган эди, ҳозир, бир неча йиллардан кейин хотир у байтларни келтиришга майл кўргазди. Шеър:

**Касалликдан шифо топганлигинг ҳақида**
**сенга хурсандлик башорати етди,**
**Бахт ато этувчи тангрининг сенга қилган иноятн**
**кутлуқ бўлсин.**
**Шаҳаншоҳнинг мизожи яна қайтадан**
**эътидол топди,**
**Ғам кечаси тугалиб, хурсандлик куни етишди.**
**Сен дарддан нажот топганлигинг ҳақида**
**башорат бериб,**
**Қуёш нур сочмоқдаю юзи табассумда.**
**Минг шукрки, сенинг зотинг бутунлай соғайди,**
**Душманинг қони тўкилиб ўлсину, ҳасадчилар ҳам!**
**Сен дардга чалиндингу, бизга ҳам алам етди,**
**Ёлғиз ўзинггина касал бўлмадинг, биз ҳам**
**ҳамдард бўлдик.**
**Сен мулк офтобисану, жаҳон сенинг паноҳингда,**
**Илоҳо, бизнинг бошимиз устида соянг камаймасин!**
**Яхшилик ҳам саодату сахийлик ,**
**ҳам лутф-эҳсон билан**
**Умринг минг йил бўлсину иқболу бахтда ўтсин.**

Мирзо Улуғбек ўз фарзанди мирзо Абдулатифга нисбатан турли-туман инъомлару лутф-марҳаматлар кўрсатиб, Хуросон мамлакатини унга топширди-да, сўнг рамазон ойининг ўртасида /12 ноябрь 1448/ Ёр Али туркмоннинг фитнаси туфайли Машҳади муқаддаснинг Чаҳорбоғидан доруссалтана Ҳирот томон йўл олди.

## МИРЗО УЛУҒБЕК КЎРАГОННИНГ АМИРЗОДА ЁР АЛИ ФИТНАСИ САБАБЛИ ҚАЙТГАНЛИГИ ЗИКРИ. ҲИРОТ ТАШҚАРИСИНИНГ ҒОРАТ ТОПГАНЛИГИ

Мирзо Улуғбек амирзода Ёр Али ва амир Султон Абу Саид доруғани бандга олдириб, Нирату ҳисорига жўнатганлиги ҳақида Хуросоннинг фатҳ этилиши достонида айтиб ўтилган эди. Бу аснода эса шуҳратли қулоқларга амирзода Ёр Али халос топиб қалъани эгаллаганлиги ва лашкар тўплаб Ҳиротга юрганлиги ва шаҳарни муҳосара қилганлиги хабари етишди. Бу сўз баёни қуйидагича:

Амир Султон Абу Саиднинг одамларидан бири қалъага бир к ў м о ч ичига ўткир эговни яшириб қалъага киритган; амирзода Ёр Али ва мир Султон Абу Саид у билан бандни эговлаганлар. Сўнг қалъа қўруқчиларидан бир нечтасини аёвсиз тиғ дамидан ўтказганлар, қолганлари эса амон тилаганлар ва шундай бир қалъа уларга бўйсунган. Амирзода Ёр Али амир Султон Абу Саидга ижозат бериб, уни қалъадан ташқари чиқариб юборди. Бу қалъада кўп захира ва сон саноқсиз нақд пул бўлганлиги учун амирзода Ёр Али сахийлик қўлини очди, натижада унинг ҳузурига кўп гуруҳ кишилар йиғилиб, қалъа атрофидаги мавзуъларни бўйсундирди. Аммо бунга қаноат ҳосил қилмай, Ҳиротни эгаллаш учун жўнаб Карух вилоятига етди. Шаҳрда ҳоким бўлиб турган амир Боязид парвоначи бу аҳволдан хабар топиб, мирзо Улуғбек ҳузурига чопарлар югуртирди, ўзи эса шаҳар, буржлар ва б о р ани беркитиб мустаҳкамлади; кимнингки шаҳарда улови бўлса, амирзода Ёр Алига қарши жангга чиқсин, деб буюрди. Тозик кишилар қурол ва яроқсиз ҳолда Карух ноҳиясига етишдилар. Бир кун эрта билан амирзода Ёр Али уларнинг устига босқин ясади ва нима нарсалари бўлса, ҳаммасини талон-торожга учратди-да, раийятлар жонига амон берди, уларнинг мол-ҳоллари туфайли Ёр Алининг иши ривожга минди. Сўнгра у ердан Ҳиротни олиш учун йўлга чиқиб, шаҳар рўбарўсига келиб етди; бир гуруҳ бебош ва пасткаш кишилар ҳамда улуғ амирларнинг шу кунларда эътиборсиз ва беҳурмат бўлиб қолган навкарларидан бир тўдаси унинг ҳузурига жамъ бўлдилар. Шундан кейин амирзода Ёр Али шаҳарни муҳосара қилишга бошлади, фитна оловини ёқиш ҳам фасод чангини тўзитишга бел боғлаб, зулму бедодлик қўлини ғорату торожга узатди.

Амир Жалолуддин Боязид шариатпарвар жаноб мавлоно қози Қутбуддин Аҳмад ал-Имомий билан иттифоқликда ҳамда қолган акобир ва маволийлар ҳамда ому хослар ихлос камарини жон белига боғладилар,- Байт,-

**Жон белига бир камарни боғладилару,**
**Жонни камардек белга боғладилар.**

**Форс тилидан Асомиддин ЎРИНБОЕВ таржимаси**

*(Давоми бор.)*

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**АЗИЗИМ,** киши бирор кишини гумон билан жазолаши ноўринки, гумон билан қилинган ишдан беҳисоб зарарлар юзланади. Чунончи айтадилар:

**Гумон билан асло бирор кишига,**
**Уқубат етказма, бўлғунг пушаймон.**
**Ошкор бўлган ишнинг ҳақиқий сири,**
**Сўнгги пушаймондан фойда йўқ ишон!**

**Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ**

Ғамнинг давоси дўстлар дийдорини кўриш.

**«ОТАЛАР СЎЗИ»**

Ғамгин бўлмайин десанг, гиначи бўлма!

**«МАҲЗАН АЛ-УЛУМ»**

**Арзимас ғам тортмоқ учун бу жаҳон,**
**Дунё шод яшамоқ учун, эй инсон!**
**Дунё дилхушлигу ҳам шодлик учун,**
**На заҳмат тортмоғу бедорлик учун.**
**Не учун ўзингга ситам айламоқ,**
**Йиллар аро ўзни ғамга бойламоқ?**
**Оғирликни асло олма бўйнингга,**
**Олган сари кириб борар қўйнингга!**

**Низомий ГАНЖАВИЙ**

«Жомеъ ул-ҳикоёт» китобида ёзилишича, ҳар бир ишни амалга оширишда гумон билан иш тутмаслик, пасткаш кишиларнинг сўзига ишонмаслик, ғаразли одамларнинг гапига эътибор қилмаслик зарур. Киши ҳар қандай ишда ўзига ўзи ҳоким бўла олиши мумкин. Бунинг учун эса машқ қилиш керак.

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ**

**АЗИЗИМ,** ишнинг оқибатини ўйловчи кишилар оғзаки эшитилган сўзларга ишонмайдилар, эшитилган гапнинг далил ва ҳужжатини кўрмагунларича шошиб ҳукм чиқармайдилар. Байт:

**Ғараз эгасига солсанг қулоғинг,**
**Пушаймондан ўчар нурли чироғинг.**

**Ҳожа Самандар ТЕРМИЗИЙ**

**Эй ўғил, тўрт нарсада бордир хато,**
**Сол қулоғинг, ёдлаб олгил бехато.**
**Кутмагил ёмон хотиндан ҳеч вафо,**
**Соддадилдур ким вафо кутса хато.**
**Ким синаб кўрмай бировга сир айтар,**
**Эй ўғил, бундан кишига кўп хатар.**
**Феъли бад хотин, ўғил, сирдош эмас,**
**Айтма ҳеч сиррингни, у йўлдош эмас.**

**Фаридиддин АТТОР**

Буқрот Ҳаким шундай деган эди: «Билмаган нарсангни биладигандек гапирма, керак бўлмаган нарсани қидирма, билмаган йўлингдан юрма, яхши сўзни ким гапиришидан қатъи назар тингла, яхши сўз гавҳарки, у ҳеч вақт ўзгармайди. Нимани билмасанг, сўраб ўрган, қилган ёмон ишларингга қайғурма, бундай ишдан афсусланмаслик, яна баттарроқ хато қилишга олиб келади.

Шеър:

**Агар сендан хато юз берса, ундан кўп надомат чек,**
**Хатодан кимки ибрат олмаса, кўплаб хато қилғай.**

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ**

Мўмин кишининг яхши нияти қилган амалидан ҳам афзалдир.

**ҲАДИС**

**Йўлда қараб турсам бир қуш ногаҳон,**
**Чумолини чўқиб, қилди чалажон,**
**Ҳануз тумшуғидан тушмасдан сайди,**
**Ўзи ҳам ўзга қуш зарбини еди.**

**Низомий ГАНЖАВИЙ**

### САРФУ ХАРАЖАТ, ИСРОФ, ТЕЖАМКОРЛИК, ҒАЗАБ, ЖАҲЛ, АРАЗ, ПУШАЙМОНЛИК

Ҳар қандай нарсада исрофгарчилик бор, аммо яхшилик қилишда бўлмайди.

**"ОТАЛАР СЎЗИ"**

Тежамкор одам яхши ейди, яхши ичади, покиза кийинади, хушҳаво уйларда яшайди, кераксиз нарсаларни сотиб олавермайди, ҳақиқий зарур нарсаларнигина харид қилади. Бировларга қўлидан келганча ёрдам қилади. Яхшилик йўлидаги ишларга пулини аямайди, саховатли бўлади. Ватани ва халқи учун молини ҳам, пулини ҳам аямайди.

**Хаёлиддин ал-ҲАСАНИЙ**

Тежамкор киши пулини керагидан ортиқча сарфламайди. Ўн сўмга олинадиган нарса учун ҳовлиқиб, юз сўм сарф этмайди. Пулни фақат керакли нарсаларгагина сарфлайди. Ҳар бир ишда ўртача йўл тутади.

**Олимат ал-БИНОАТ**

Исрофгарчилик ақлга зид ишдир. Исроф деганда кераксиз нарсаларга беҳудага пул сарф этиш, фойдасиз сарфлаш тушунилади. Исрофгарчиликнинг охири ҳалокат билан тугайди. Исрофчи одам қанчалик бой бўлмасин, барибир оқибатда камбағалга айланади. Чунки исрофчининг сарф эшиги очиқ бўлиб, тежами эса бўлмайди. Очиқ эшикдан ҳар нарса кира олгани каби камбағаллик ҳам кириб келади.

**Хаёлиддин ал-ҲАСАНИЙ**

Ўйлаб ҳозирланган оз нарса исроф бўладиган кўп нарсадан афзал.

**Муҳаммад ЗЕҲНИЙ**

Шамини кундузи ёндирган одамнинг туни қоронғу бўлади.

Пулини беҳуда исроф қилган одам, оғир кунда хор бўлади.

**"ОТАЛАР СЎЗИ"**

**ҲИКМАТ:** Бировнинг дилини хушнуд қилиш комил кишилар иши, дил оғритиш эса жоҳил кишилар ишидир. Дил оғритувчи киши куни келиб ҳасрат қонини ичиши муқаррардир. Байт:

**Токайгача, эй нодон, бировни йиғлатарсан,**
**Сенинг ҳам дил ойнангни синдирувчи топилар!**

**Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**
**тайёрлашган.**

*Театр ва томошабин*

# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

**МАЪЛУМКИ, ОИЛАДА ЭР-ХОТИН, ҚАЙНОНА-КЕЛИН, ОТА-ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ҲУКМ СУРАДИ. АЙТИШ ЖОИЗКИ, ОИЛАДАГИ БАЪЗИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР, ҚАЙНОНА-КЕЛИН МУНОСАБАТЛАРИ ҲАҚИДА КЎПЛАБ КИТОБЛАРДА ЁЗИЛГАН, КИНО ВА ТЕАТРЛАРДА НАМОЙИШ ҚИЛИНГАН. АЙНИҚСА, ҚАЙНОНА-КЕЛИН МУНОСАБАТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ТОМОШАЛАРДА ҲАЁТИМИЗДАГИ ҲАҚИҚАТЛАР ОЧИҚ-ОЙДИН АКС ЭТТИРИЛИБ, УНИ КЎРГАН МУХЛИС АЛБАТТА ЎЗИГА ТЕГИШЛИ ХУЛОСАНИ ОЛИШИ ШУБҲАСИЗ.**



Ўзбек Миллий академик драма театрида худди шу мавзуда кўплаб спектакллар саҳналаштирилганлигини яхши биламиз. Ўтган йилдан буён театр саҳнасида намойиш қилиб келинаётган, ёш, истеъдодли драматург Эркин Хушвақтов қаламига мансуб «Андишали келинчак» номли спектакль ҳам кўпчилик мухлисларнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, режиссёр Мунаввара Абдуллаева томонидан саҳналаштирилган мазкур спектаклда қайнона-келин муносабатлари ҳаётий воқеалар билан кулгили саҳналарда ёрқин акс эттирилган.

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида «Андишали келинчак» спектакли 100-марта намойиш этилди. Спектаклдаги асосий ролларни қайнона — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Саида Раметова, Шоҳида Исмоилова, қайнота — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Рустам Каримов, Абдураим Абдуваҳобов, Арслон — Рихситилла Абдуллаев, Аваз Қодиров, Олмахон — актрисалар Дилноза Кубаева ва Шодия Тўхтаева шунингдек, бошқа таниқли актёрлар маҳорат билан ижро этишган. Спектаклдаги асосий ғоя — ҳозирда орамизда учраб турадиган айрим қайноналарнинг келинига нотўғри муносабати қаттиқ танқид остига олинган. Келин ўта меҳнаткаш, ниҳоятда андишали бўлгани билан қайнонасига ёқмайди. Томоша сўнгида қайнона ўз айбини тушуниб етади. Спектаклда худди шунингдек айрим ғийбатчи қўшнилар ҳам учраб туриши кулгили саҳналарда акс этган.Ушбу спектакль албатта томошабинни мушоҳада ва мунозарага чорлайди. Биз ҳам бу ҳақда спектакль сўнгида томошабинлар ва театр ижодкорларини суҳбатга чорлаб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.

● **Саида РАМЕТОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист**:

— Спектакль бугун юзинчи марта намойиш этилаётганлигидан жуда хурсандман. Ундаги бош роль — қайнона образини мен 50 марта, Шоҳида Исмоилова 50 марта ижро этдик. Бу ролни мен жону дилим билан ўйнадим. Ўз ролимдан кўнглим тўлди, десам бўлади. Қайнонанинг кўп қирраларини очиб бера олдим, деб ўйлайман. Ушбу спектакль баъзи қайноналарни ўзларидаги салбий томонларини тушуниб етишларига, андишали, кечиримли бўлишга ундайди. Қайноналар келинларини ўз қизларидек кўриб, меҳр берсалар, келинларнинг ҳам қайноналарига меҳрлари ортади, шу оилада тотувлик ҳукм суради, албатта.

● **Гулнора ОРТИҚОВА, томошабин:**

— Спектаклни томоша қилиб катта таассурот олдим. Ҳозирги кунда ҳаётимизда учраб турадиган қайнона-келин муносабатлари ҳаётий воқеалар асосида саҳналаштирилганлиги кўпчиликни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Актёрлар ҳам ўз ролларини маҳорат билан қиёмига етказиб ижро этишган. Албатта ҳаётда шундай қайноналар ҳам йўқ эмас. Ўйлайманки, томошани кўрган баъзи шу каби қайноналар ўзларига тегишли хулоса чиқариб оладилар. Истардимки, мана шу сингари тарбиявий аҳамиятга эга бўлган спектакллар театрларимиз саҳнасида кўплаб намойиш этилса, айни муддао бўларди.

Спектакль сўнгида томошабинларнинг шу каби мулоҳазаларини тинглаб, ҳақиқатан ҳам спектакль кўпчиликда катта таассурот қолдирганлигини англадик.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: «Андишали келинчак» спектаклидан саҳна кўриниши.**
**Раҳмонбек Исломов олган сурат.**

# Виртуал университет лойиҳаси

**ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АБДУЛ ҚАЛАМ МАМЛАКАТНИНГ БАРЧА ЕТАКЧИ УНИВЕРСИТЕТЛАРИНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ТЕЛЕТАЪЛИМ ЛОЙИҲАСИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ.**

У Калкутта университетининг 150 йиллик тантаналарида сўзга чиқиб, ўзининг Деҳлидаги қароргоҳида биринчи виртуал университетни шакллантирганини билдирди.

Интернет тармоғида бундай лойиҳани йўлга қўйишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатнинг барча ҳудудларида, жумладан, узоқ қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган ёшларга ҳам таълим олишда янги имкониятлар яратиб беришдир.

Маълумки, Ҳиндистонда ахборот технологиялари тараққиёти янги қирраларни забт этмоқда. Ҳукумат жаҳон ахборот тармоғида янада тезкор ишловчи ва арзон сервер тизимини яратиш режаси устида иш олиб бормоқда. Мумбайда рақамли технологиялар саммитида иштирок этган мамлакат коммуникация ва ахборот технологиялари вазири Даянидхи Маран Ҳиндистон жорий йил июнь ойига келиб ўзининг мустақил сервер тизимига эга бўлишини айтди.

Шунингдек, саммитда Интернет тармоғида ҳинд тили таржима браузерини яратиш устида ҳам иш олиб борилаётгани маълум қилинди. Ҳинд веб-сайтларидаги ахборотларнинг аксарияти инглиз тилида жойлаштирилган, бироқ мамлакат аҳолисининг беш фоизигина бу тилда эркин гаплаша олади. Таржима браузерини яратиш учун эса уч йил керарк бўлар экан.

**С. СУЯРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири**
**Деҳли**

*Шифокор маслаҳати*

# ТОВУШНИ ҚАНДАЙ РАВОН ҚИЛИШ МУМКИН?

**ГОҲО БАЪЗИ БИР САБАБЛАРГА КЎРА ОДАМНИНГ ОВОЗИ БЎҒИЛАДИ, МУОМАЛА ҚИЛИШИ ҚИЙИНЛАШАДИ. БУНДАЙ ҲОЛАТ ЧАНГ, ҒУБОРЛИ ҲАВОДАН НАФАС ОЛИШ, ҚАТТИҚ ГАПИРИШ, САЛҚИН ҲАВОДА ҚЎШИҚ АЙТИШ, ШУНИНГДЕК, ЮҚУМЛИ ХАСТАЛИКЛАР БИЛАН ОҒРИШДА (ҲАВО ЙЎЛЛАРИНИНГ ШАМОЛЛАШИ, ТУМОВ, ГРИПП, БЎҒМА), ЗЎРИҚИБ ГАПИРИШДА, АСАБИЙ-РУҲИЙ ВАЗИЯТЛАРДА (ҚЎРҚУВ, САРОСИМА, АЗИЯТ СИРТМОҒИДА ҚОЛИШ КАБИ) СОДИР БЎЛИШИ КУЗАТИЛИШИ МУМКИН.**

Товушнинг бўғилиши одатда овоз боғламларининг яллиғланиши, полипларда, ўсмаларда, қисман мушак кучларининг сусайишида, фалажларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Товушнинг бўғилиши турли даражада, яъни бироз хириллашдан ҳатто умуман овознинг йўқолгунича содир бўлади.

Овознинг бўғилиши маърузачи, воиз, хонандалар, сухандонлар, қориларда фавқулодда ҳолларда, касаллик билан боғлиқ бўлмаган кезларда юзага келиши мумкин бўлиб, мазкур одамларда нохуш кайфиятларни келтириб чиқаради. Ана шундай вазиятларда мутлоқ беозор бўлган халқ табобати амалларидан фойдаланса бўлади.

● Хонандалар беҳи уруғлари асосида чой дамлаб ичиб турсалар товушнинг хириллашидан муҳофазаланадилар, бехосдан хуруж қилувчи йўталга барҳам берилади.

● Пиширилмаган сархил тухумларни истеъмол қилиб туриш фақат юқори нафас йўлларининг хириллашига чек қўювчи табиий беозор манба бўлибгина қолмасдан, балки товуш боғламларига ижобий таъсирини кўрсатади.

● Янги ажратиб олинган қора турп шарбати балғамни юмшатади, йўталга малҳамлик қилиб хириллашга хотима беради. Бунинг учун турп шарбатини ош қошиқ воситасида кунига 3 марта ичиш тавсия этилади.

● Мабодо товуш "йўқолгудек" бўлса, тандир, ўчоқ кўрида, оташхонада пиширилган саримсоқни истеъмол этиш лозим кўрилади.

● Яшил карам баргларини яхшилаб майдалаб ютиладиган бўлса хириллайдиган товушни очади.

● Агар товуш бўғилиб, одам гапиришга қийналса, ярим коса сувга ярим стакан арпабодиён уруғини солиб сирли идишда 15 дақиқа давомида енгил аланга устида қайнатилади. Сўнгра сузиб олиниб унга чорак стакан тоза асал қўшилади ва яна қайнатилади. Қайнатма совигач, шарбатга бир ош қошиқ коньяк қўшиб аралаштирилади. Ҳар ярим соатда бир ош қошиқдан ичилади, шунда товуш очилиб, ширали ва равон бўлади.

● Карам баргларини майдалаб арғувон ёки май асали билан обдон аралаштириб истеъмол қилинса, овоз бўғилишига малҳам бўлади.

● Ҳали қаймоқ тутмаган янги сутга бир бўлак карт думба солиниб, (0,5 литр сутга 50 грамм думба ёғи) енгил алангада қайнатилиб ичилса, товуш жозибали, равон бўлади.

● Мабодо қалампирмунчоқ ёғидан бироз сувга қўшилиб наҳорга ичиладиган бўлса, у томоқ, кўкракка ижобий таъсир кўрсатиб товушни жарангдор, майин ва ёқимли бўлишида омил бўлади.

● Ялпиз шарбатидан фойдаланадиган бўлсангиз, изтиробли хириллашга хотима беради, товушнинг равон бўлишини таъминлайди.

Юқорида зикр этилган хонаки туркона даволар маърузачи, муаллим, хонанда, сухандон ҳамда қорилар учун жуда фойдали бўлади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос олим**

**ҲА, ОЛДИНГИ КУНЛАРИ ТУЗИБ ҚЎЙГАН РЕЖАЛАРИНГИЗНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КИРИШИШ, ЯНГИ ИШЛАРНИ ДАДИЛ БОШЛАБ ЮБОРИШ МУМКИН. БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН ҚАТОР МУНАЖЖИМЛАРИМИЗНИНГ ФИКРЛАРИГА КЎРА, БУ ЖУДА ҲАМ СИЛЛИҚ КЕЧМАЙДИ. БУ ҲОЛАТ, АЛБАТТА САЙЁРАЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШИ, УЛАРНИНГ БИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗГА ҚАЙ КЎЗ БИЛАН ҚАРАШЛАРИГА БОҒЛИҚ.**

*Мунажжим башорати*

# ЯНГИ ИШЛАРГА КИРИШАВЕРИНГ

**31 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА**

Шу куни одамларда астрал қувват жўшиб-тошиши кузатилади ва уни яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам йўналтириш мумкин. Янги ишларни бошлашдаги мураккабликлар айнан шу ҳолат билан боғлиқ бўлиб, мунажжимларимиз жўшиб келаётган куч-ғайратимизни ўз-ўзимизни ҳимоя қилишга қаратишимиз манфаатли бўлишини таъкидлашади.

Мазкур вазиятнинг пайшанбагача давом этиши кутилади. Шунинг учун сабр қилиш маслаҳат берилади. Ҳукмронликни қўлга олиш учун жанжаллар келиб чиқиши, муаммоларни куч билан ҳал этишга уринишлар юз бериши эҳтимоли бор. Вазиятга қараб манфаатларингизни ҳимоя қилишингизга, лекин нуқтаи назарингизни ўзгартиришингизга тўғри келади.

Бугун келадиган ахборотларни рад этиб бўлмайди, янги шароитларга мослашиш, режаларингизни янгиланаётган ижтимоий ўзгаришларга мувофиқлаштириб олишингиз керак бўлади. Асабларга зўр келиши турган гап, спиртли ичимликлар истеъмоли қатъиян тақиқланади.

Саёҳатлар ёки ҳатто шунчаки пиёда сайр қилишлар ҳам фойдали.Жисмоний машқлар туркумини бошлаш, йога ёки жанговар санъат турлари билан шуғулланиш хайрли бўлади.

Танангизда иссиқлик ҳарорати ошганини ҳис этишингиз, қулоғингиз қизиши, у ер-бу ерингизда енгил санчиқларни сезишингиз – бу яхши аломатлар бўлиб, соппа-соғлиғингиз ва куч-ғайратингиз ортиб бораётгани белгисидир.

Бу кеча камроқ ухлаганингиз ва умуман туш кўрмаганингиз ёки уни эслаб қололмаганингиз маъқул. Зеро, кўрган тушларингиз ўзингиздан кўра кўпроқ атрофингизни ўраб турган кишиларга тааллуқли бўлади.

Илгаригидай аллергия ва вирусли касалликларга чалиниш хавфи мавжуд. Таомлар хилма-хил ва албатта иссиқ бўлиши шарт.

Бугун ёркин ва ялтироқ кийимлар омадли ҳисобланади. Олтинранг ва қизил рангли либосларга устуворлик бериш мумкин. Оқ ва сиёҳранг либослардан бугунча воз кечинг, кулранг кийимлардан нарироқ бўлинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**"ФАРҲОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ" ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИГА БИНОАН 2006 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛ КУНИ СОАТ 12-00 ДА ЖАМИЯТ ИДОРАСИДА БЎЛАДИГАН АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ МАЖЛИСИ КУН ТАРТИБИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КИРИТИЛДИ:**

1. Жамиятнинг низом жамғармасини ошириш ҳақида.
2. Жамият низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.
3. Жамият кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

Мажлислар акциядорлар реестрининг 2006 йил 28 январ ҳолатига кўра унга кирган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариусда тасдиқланган ваколатнома бўйича) қатнашишлари мумкин.

Эслатма: навбатдан ташқари умумий мажлисга доир материаллар билан акциядорлар Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, Чилонзор Г9-А мавзеси "Фарҳод деҳқон бозори"да жойлашган жамият идорасида танишишлари мумкин. **Тел: 117-30-65, 117-36-74.**

**Кузатув кенгаши**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 25 августда 879-сон тартиб рақами билан рўйхатга олинган "Тошшаҳарйўловчитранс" Акциядорлик компанияси тугатилади. Тугатилган Акциядорлик компанияси негизида йўловчилар ташиш бўйича "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси тузилади.

"Тошшаҳарйўловчитранс" Акциядорлик компаниясининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги тузилган "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмасига ўтказилади. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй манзилида қабул қилинади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-308

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5218 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6